SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 12-IYUN ■ PAYSHANBA ■ 71 (27.091) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ёшлик, гўзаллик ва истеъдод намойиши

КЕЧА АНДИЖОНДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ «БАРКАМОЛ АВЛОД» РЕСПУБЛИКА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Гўзал Андижон вилояти бир ҳафта мобайнида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган минглаб ўспирин ўғил-қизларнинг баркамоллигига хизмат қилувчи ажойиб спорт шодиёнасига мезбонлик қилди. «Баркамол авлод — 2003» республика спорт мусобақалари юртимиз ёшлари шижоати ва маҳорати, иқтидори ва имкониятларини яна бир карра синовдан ўтказди. Дилбар водий қучоғида ўтган ҳар бир сония нафақат юрт эртаси бўлган ёшлар, балки барча андижонликлар, минглаб меҳмонлар хотирасида ҳам ўчмас из қолдирди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, спортни севган киши энг аввало ўзини ҳурмат қилади, ўзининг қадрини билади ва шу орқали бошқаларнинг ҳам ҳурматини жойига қўяди, деган эдилар. Дарҳақиқат, кескин ва муросасиз кечган баҳсларни кузатар экан-миз, бу сўзларнинг ҳақиқий исботига гувоҳ бўлдик. «Баркамол авлод — 2003» иштирокчилари майдонда бир-бирларига рақиб бўлишса-да, тенгқурларига дўстона муносабатни ҳам ўз ўрнига қўя билишди. Баҳсларда қайси жамоа ғалаба қозонишидан қатъи назар, қатнашчилар ҳар бир учрашув якунида биргаликда эсдаликка суратларга тушдилар. Андижоннинг диққатга сазовор жойларини биргаликда томоша қилиб, бир олам таассуротлар олдилар. Янги-янги дўстлар орттиришди.

Бугун ер курраси нинг турли бурчакларида ҳар хил талотўпларр, можаролар бўлаётган бир маҳалда юртимизда бундай нуфузли спорт байрамларининг уюштирилаётганлигидан фахр ҳиссини туясан киши. Бу мусобақаларнинг мамлакатимиз ўғил-қизларининг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб улғайишларида аҳамияти нечоғли улкан эканлигини барча бирдек эътироф этмоқда.

— Вилоятимизда ўтказилган бу мусобақалар таассуротини икки оғиз сўз билан таърифлаш жуда мушкул, — дейди Андижон вилояти «Аҳмадшоҳ» болалар ва ўсмирлар каратэ спорт мактаби директори, 5-ДАН қора белбоғ соҳиби Одилжон Норхўжаев, — айниқса, «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақаларининг Андижонда ўтказилганлигидан болалар кўпроқ хурсанд бўлишди. Чунки, шу спорт ўйинлари муносабати билан барпо этилган замонавий ва кўркам ўйингоҳлар, сузиш ҳавзалари, спорт мажмуаларида эртага ана шу болалар шуғулланишади. Биз спорт мутахассислари эса нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларни ҳам бемалол вилоятимизда уюштириш имконияти туғилганлигидан мамнунмиз. Бу эса келажакда Андижондан ҳали юзлаб довруқли спорт юлдузлари етишиб чиқишига имконият яратади.





4-бет

Ҳамкорлик ривожланаверади

Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Немис тадбиркорлари билан ҳамкорликда тузилган ва Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган 150 корхона ёки 50дан ортиқ немис фирма ва компаниялари ваколатхоналарининг мавжудлиги, шунингдек, Германия ишбилармон доираларининг мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга бўлган ҳақиқий рағбатлари ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб боришига республикамизнинг Германиянинг «MVV Energie AG» компаниялар гуруҳи билан ҳамкорлиги мисол бўлиши мумкин. Яқинда ушбу компаниянинг делегацияси Ўзбекистонда бўлиб қайтди. Электроэнергетика, сув, иссиқлик ва газ билан таъминлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган бу компаниянинг йиллик савдо айланмаси 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Компания республикамизда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, Сирдарё иссиқлик электр станциясини қайта таъмирлаш, «Кўйлиқ-2» мавзесида замонавий энергетика жиҳозларини ўрнатиш ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб келмоқда.

Делегацияга ҳамроҳлик қилган «Ди Вельт» газетасининг мухбири В. Гольдшмидт ушбу нуфузли нашр саҳифаларида шундай ёзади:

«MVV Energie AG» компанияси Ўзбекистон билан яқиндан таниш. Компания Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳарни иссиқлик ва сув билан таъминлашга мутасадди ташкилотларда ишлаётган ўзбек ҳамкасблари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Ўзбекистон бизда мавжуд янги «ноу-хау» технологияларига қизиқиш билдирганлиги, республиканинг Германия билан узоқ муддатли алоқаларнинг истиқболини кўра олишидан далолат беради».

Ўз навбатида «Ост-Вест-Контакт» журналининг масъул муҳаррири Ева Бур Ўзбекистонга сафари ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, қуйидагиларни ёзади:

«Ўзбекистон билан танишув, хусусан журналистлар учун жуда фойдали ва мазмунан бой бўлди. Биз ишбилармон доираларнинг музокараларида иштирок этиш билан бир қаторда, Самарқанднинг бетакрор ёдгорликлари билан ҳам танишиш бахтига муяссар бўлдик. Ўзбек ва немис тадбиркорларининг ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрликлари гувоҳи бўлдик. Бу, албатта, Германия ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишларининг янада ортиши учун хизмат қилади».

А.АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин.

● АНЖУМАН

Суд ҳокимияти ва ОАВ

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир. Албатта, бу вазифани мустақил суд ҳокимиятисиз амалга ошириш мумкин эмас. Чунки ҳар бир фуқарони мустақил суд ҳокимияти нафақат жиноятчилардан, балки давлат органлари, мансабдор шахсларнинг тазйиқидан, бир сўз билан айтганда адолатсизликдан ҳимоя қилиши керак.

Кеча Ўзбекистон Конституциявий судида Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида «Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Анжуманда суд мустақиллигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги роли мавзуида Конституциявий суд Раиси Бўритош Мустафоев, Олий суд раиси ўринбосари Бахтиёр Жамолов ва бошқа нотиқларнинг маърузалари тингланди. Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўзаро ҳамкорлик доирасининг кенгайиши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир ўтказиши ҳамда фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиши семинарда алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова, Олий хўжалик судининг Раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов, Республика Бош прокурори Рашид Қодиров, Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси бошлиғи Алишер Шарафутдинов, соҳага ихтисослашган журналистлар, олим ва мутахассислар қатнашдилар.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

(Ушбу анжуман ҳақидаги батафсил маълумотни газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз.)

Навоийликлар зафари

Ипакчиликда ўзига хос тажрибага эга бўлган Навоий вилояти пиллакорлари меҳнат ғалабасига эришдилар. 12 минг 500 қути ипак қуртини юксак агробиология қоидалари асосида



парваришлаган «кумуш тола» ижодкорлари 600 тонналик пилла хирмони уюшиб, шартномавий режани уддаладилар. Ҳар қутидан ўртача 50 килограммдан юқори навли пилла етиштирилди. Пилла териш ва давлатга топшириш қизғин давом эттираётган навоийлик ипакчилар хирмонга қўшимча яна 10 тонна сифатли пилла армуғон этишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Олий Мажлисда

Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

Мазкур қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган йиғилишда вилоят таълим тизимида ушбу қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича муайян ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди. Вилоятда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларига қатъий риоя этилмоқда. Фуқароларнинг билим олиш, педагогик фаолият билан шуғулланиш борасидаги ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Шу билан бир қаторда вилоятда ушбу қонуннинг ижросини таъминлашдаги баъзи камчиликлар, уларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Миср газетаси нигоҳида

Мисрда чиқадиган «Ал-Мустақбал» газетаси ўзининг биринчи саҳифасида чоп этган бош мақола сарлавҳасини «Имом ал-Бухорий, Ибн Сино ва ал-Хоразмий Ватани — Ўзбекистон демократия йўлидан бормоқда», деб номлади.

Мақола муаллифи мисрлик журналист Маҳмуд Сулаймон Ўзбекистон тарихи тўғрисида тўхталар экан, шу замин дунёга тақдим этган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райҳон ал-Беруний, ал-Замахшарий каби буюк аждодларимизнинг фалсафа, тиббиёт, фалакиёт, риёзиётга оид нодир ва бебаҳо асарлари ҳамда уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида муфассал маълумотлар келтирган.

Шу билан бирга муаллиф уларнинг бой меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш баробарида миллий қадриятларни асраб-авайлаш борасида мамлакатда амалга оширилаётган хайрли ишларни қайд этган.

Айни пайтда мақолада Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг республикада демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, миллатлараро тотувликни сақлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар ҳамда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида ахборот берилган.

Саҳифадан, шунингдек, мамлакатимиз ҳаётини акс эттирувчи қатор суратлар жой олган.

«Жаҳон» АА.

● БОЛАЛАР СПОРТИ

Соғлом, мард ва жасоратли авлод тарбияланади бу ерда

НАМАНГАН ШАҲРИДА БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР СПОРТ МАЖМУИ ҚУРИЛМОҚДА

Юртга муҳаббат уни обод этиш йўлидаги изланиш ва фидокорона меҳнат билан изоҳланади. Асрлар давомида ҳар қандай бўрону довулларга, дўлу селларга дош бериб ўз ижодкорлари ва меъморлари шаънини улуғлаб келаётган маҳобатли обидалар ана шундай оташин меҳрнинг маҳсули. Бундай иншоотларни яратган халқ уларни турфа ёғийлару босқинчилардан ҳимоя қилишга ўзида қудрат ва жасорат ҳам топа олади.

Юрт ҳимояси халқнинг ақлан ва жисмонан, маънан ва имонан бақувват бўлишини тақозо этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, халққа меҳр ва садоқат ҳам авлодлар соғломлиги, баркамоллиги ҳақида қайғуриш, шу йўлда бор имкониятни ишга солиш билан изҳор этилади.



Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган қарийб ўн икки йиллик давр мобайнида муҳтарам Президентимиз давлат сиёсатининг асосий вазифалари сифатида қараб келаётган бу икки туйғу, унинг ҳаётда намоён бўлиши мамлакатимизнинг ва халқимизнинг дунё миқёсидаги обрў эътиборини оширишда алоҳида омил бўлмоқда.

2-бет

Ёғоч ўймакорлиги кўргазмаси ташкил этилди

Миллий ҳунармандчилигимиз узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатимизда қадимий анъаналаримизни тиклаш, уста ва ҳунармандларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ёғоч ўймакорлиги устаси Ортиқ Файзуллаевнинг Ўзбекистон Бадиий академиясида ташкил этилган шахсий кўргазмаси бунинг яна бир яққол далилидир.

Ортиқ аканинг ҳозирда кўплаб моҳир шогирдлари бор. Юртимизда қад ростлаган Олий Мажлис биноси, Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи, меҳмонхоналар ва маданият саройлари каби қатор иншоотларда бугун уста ва унинг шогирдлари ижод намуналарини кўриш мумкин.

Устанинг ишлари юртимиз микёсидаги кўргазмалар баробарида Япония, Франция, Польша, Германия, Туркия, Бельгия, Швеция ва бошқа кўплаб давлатлардаги халқаро кўргазма ва танловларда юқори эътирофга сазовор бўлган.

Ортиқ Файзуллаев 1995 йилда БМТ ташкил топганининг 50 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда ўтказилган республика ҳунармандлари ярмаркасида қатнашиб, ЮНЕСКОнинг махсус дипломи ва мукофотига сазовор бўлган эди.

Кўргазма 25 июнгача давом этади.

Абдуғани СОДИҚОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

♦ **Ўзбекистон ХДП Қамаши, Хонқа, Вобкент туман кенгашлари**нинг партия ташкилотлари фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, «Обод маҳалла йили» тадбирларида иштирок этиш ҳамда жойларда Олий Мажлис сессияси ва МК пленуми ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган пленумлари бўлиб ўтди. Уларда, шунингдек, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш режаси белгилаб олинди. Пленумларда Хонқа, Вобкент, Қамаши туманлари ҳоким ўринбосарлари Ж.Қурбонова, Р.Жуманиёзов, Б.Одилов, М.Шайдоева, П.Қаландаровалар сўзга чиқдилар.

♦ **ХДП Бекобод туман кенгаши** негизида «Сайлов округларидаги партия гуруҳлари: тажриба ва муаммолар» мавзуида партия етакчиларининг семинар машғулоти ўтказилди. Унда Бекобод шаҳар, Бекобод, Оққўрғон, Бўка, Ўртачирчиқ туман партия кенгашлари биринчи котиблари, қатор партия гуруҳлари етакчилари ўзаро фикр алмашдилар. Иштирокчилар, шунингдек, Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фаол иштирок этиш ҳақида ҳам маслаҳатлашиб олдилар.

♦ **ХДП Хоразм вилоят, Шаҳрисабз, Қарши ҳамда Учқўприк туман кенгашлари** бошланғич партия ташкилотларида «Олий Мажлис XI сессиясида ва МК V пленуми ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашда партия ташкилотларининг ўрни» мавзуидаги йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишлар жонли руҳда бўлиб, уларда муаммоли масалалар тилга олинди, камчиликлар рўй-рост айтиб ўтилди ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида таклифлар билдирилди.

♦ **Бухоро шаҳар, Зарбдор туман партия кенгашлари** жойларда Олий Мажлис XI сессияси ва ХДП МК V пленуми якунларига бағишланган турли тадбирлар ўтказишга кенг эътибор қаратмоқда. Жумладан, ташкилот, корхона, ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда аҳоли марказларида олиб борилаётган тушунтириш ишлари самарали кечмоқда.

♦ **Галлаорол туман партия кенгаши,** ХДП МК V пленуми ва Олий Мажлис XI сессияси ҳужжатларини аҳоли ўртасида ўрганишни ташкил этиш доирасида, туман ҳокимлиги билан биргаликда, семинар-кенгаш ўтказди. Йиғилишда туман ҳокими Н.Қўшбоқов, ХДП Жиззах вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси Ўзбекистон Қаҳрамони М.Зокиров, вилоят партия кенгаши биринчи котиби М.Иномов, туман партия кенгаши биринчи котиби Б.Темиров ва бошқа фаоллар мазкур йўналишларда олиб борилаётган ижобий ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари тўғрисида гапирдилар.

♦ **Фарғона вилоят** ҳамда **Ёзёвон туман партия кенгашлари**нинг қишлоқ хўжалик тармоқларидаги БПТ етакчилари иштирокида ўтказган семинар-кенгаши эса «Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларга айлантириш — давр талаби» мавзуида бўлди. Унда мазкур соҳадаги ислоҳотларда, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда БПТ иштироки масаласи кўриб чиқилди.

♦ **Янгийўл туман партия кенгашида** «Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларда ХДП ташкилотлари иштирокини ошириш масалалари»га бағишланган «давра суҳбати» ўтказилди. Унда Янгийўл шаҳар, Чиноз, Янгийўл, Қуйичирчиқ туман партия кенгашлари биринчи котиблари А.Маҳмудхонов, Т.Умаров, Н.Орипов, С.Алишев ҳамда «Маҳалла» жамғармаси Янгийўл туман бўлимининг раиси А.Жўраев, «Янгийўл» газетаси муҳаррири А.Рихсибоевлар сўзга чиқдилар. Нотиқлар айни пайтда, партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича МК V пленумида кўрилган муҳим вазифаларни амалга ошириш бўйича гапириб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Мазкур тадбир иштирокчилари тумандаги «Халқободнон» комбинатида ҳам бўлиб, ХДП фаоли, комбинат раҳбари Ўлмас Машариповна меҳнат фаолиятига 55 йил тўлиши муносабати билан қутладилар. Унга Тошкент вилоят партия кенгаши «Эҳтиром китоби»га номи киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳамда эсдалик совғаси топширилди.

♦ **ЎзХДП Қоракўл туман кенгаши** «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда 50 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг Шаҳрисабз ва Китобга саёҳатини уюштирган бўлса, **Пешку туман партия кенгаши** мазкур жамғарманинг маҳаллий тузилмаси ҳамкорлигида бир гуруҳ қарияларни Хива шаҳрига заёратга олиб борди. Барча саёҳатчилар ажойиб ҳордиқ чиқариб, ташкилотчи ва ҳомийларга миннатдорчиликларини билдирдилар.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Соғлом, мард ва жасоратли авлод тарбияланади бу ерда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу соҳаларда олиб борилаётган фаолият изчиллиги ва мунтазамлик касб этгани спортнинг оммавийлигини таъминлаш ва бунинг учун зарур моддий-техник негизни яратишда яққол кўзга ташланмоқда.

Ярим йилдан зиёдроқ аввал таъсис этилган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, унинг тез орада ҳеч бир ватандошимиз бефарқ қарамайдиган ташкилотга айлангани, яқиндагина эса жамғарма ҳомийлар кенгашининг Президентимиз иштирокида ўтган йиғилишида белгилаб олинган ва зудлик билан бажаришга киришилган вазифалар ёш авлоднинг жисмоний камолотига эътиборни намойиш қилди.

Наманганнинг қоқ марказида аввалги 3-4-пахта заводлари ҳудудида 16 гектар майдонни эгаллаган болалар ва ёшлар спорт мажмуини яқин кунларда фойдаланишга топшириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда Президентимиз сиёсатини амалга ошириш билан ўз ёш ҳамшаҳарларининг камолоти йўлида қайғуриш, шаҳар ичра мўъжаз бир шаҳарча бунёд этиш иштиёқи уйғунлашиб кетганини кўрдим.

Чиндан-да, бу шаҳарча Наманганнинг кўркига кўрк қўшадиган бир даргоҳ бўляпти. Бу ердаги одамларда хизмат вазифасини бажаришгина эмас, бунёд бўлаётган иншоотларга меҳр, ҳафсала туйғуси ҳам ҳукмрон. Бош пудратчи 10-қурилиш монтаж бошқармаси масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Соҳибжон Аббосов билан шаҳар бош меъмори Абдужаббор Абдуғаффоров лойиҳадаги ҳар бир нуқтанинг мукаммаллигини таъминлаш устида баҳслашаётган бўлса, «Наманганқурилиш», «Таълимқурилиш», «Ижтимоийқурилиш», «Таъмирқурилиш», «Сувқурилиш», «Ирқурилиш», «Агроқурилиш» трестлари «Наманганэлектртармоқлари», Магистрал электр тармоқлари корхоналари, вилоят йўл қурилиш бошқармалари каби пудратчи ташкилотларнинг мутасадди ва мутахассислари керакли материаллар ва ашёларни вақтида етказиб келиш билан бирга ўз жамоалари бажараётган ишлар сифатини синчковлик билан кўздан кечирмоқдалар.

Бутун жараённи тажрибали қурувчи-муҳандис, Тошкентдаги ўнлаб маҳобатли бинолар қурилишига раҳбарлик қилган ташкилотчи Холматжон Тожибоев уйғунлаштириб турибди, шаҳар ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Муҳаммаджон Тожибоевни ҳам бугун идорадан кўра қурилиш штабидан топиш осонроқ.

Гап шундаки, республикада болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги Президент кўрсатмасига вилоят ҳокимлиги амалий иш билан жавоб бериш мақсадида ҳеч кимдан топшириқ ва ишора кутиб ўтирмай шу шаҳарчани бунёд этишга киришди. Шаҳарнинг чорак қисмини гарду чанглари билан булғатиб турган 3-4-пахта заводлари кўчирилгач, уларнинг майдони, темир йўл бекатидан марказгача бўлган йўналишдаги Амир Темур (собиқ Ленинград) кўчасидаги бир замонлар энг замонавий уйлар саналган, бугун эса маънавий жиҳатдан кексайиб, сирти қанча пардозланмасин ночоргина пастқам уйлар бугунги шаҳарсозлик талабига жавоб бермай қолган манзаралар бу ҳудудни қайта қуришни талаб қиларди.

Болалиги ва ўсмирлиги шу жойларда кечган, дунёнинг кўп шаҳарларини кўрган вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов фаолларни, лойиҳачи ва қурувчиларни, тадбиркорлару ҳунармандларни ана шу майдонга чорлаб маслаҳатлашганда ҳамма бу фикрни маъқуллаб, спорт шаҳарчаси қурилишига ҳисса қўшишини айтди.

Эрнинг эрлиги бурдида. Айтилган гаплар ва ваъдалар елга учмади. Ҳозиргача бу ерда бажарилган икки миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларига сарфланган маблағнинг асосий қисми ҳомийлар ҳиссасига тўғри келди.

Кун оша вилоят ҳокими, унинг биринчи ўринбосари Йўлдошали Жўраев қурилиш майдонига келиб ишларнинг кетиши билан қизиқадилар, йўл-йўлакай чиққан муаммоларни ҳал қиладилар, шаҳар ҳокими эса ижро интизомини таъминлашга бош-қош. Хуллас, шаҳарчанинг бугунги манзарасиёқ унинг эртанги қиёфасидан дарак бериб турибди.

Амир Темур кўчасидаги бош дарвозанинг маҳаллий ва замонавий меъморчилик уйғунлашган салобати, унинг ўнгу сўлидаги икки муҳташам рангин фаввора уларнинг пойига ястанган ва сувлари иқлимни мўътадил сақлаб турадиган кўлдан кўкка ўрлаган сувлар, сув спорти машқлари ва машғулотлари учун яратилган шароит, марказда эса тўрт минг ўринли амфитеатр, унинг 23 метр баландликдаги, диаметри 30 метр бўлган маҳобатли гумбази, кўл ўртасидаги икки оролча, уч бассейнли аквопарк спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятини берадиган спорт зали, футбол, мўъжаз (мини) футбол, теннис майдонлари, япон боғи, овқатланиш даргоҳлари — бари бу ерга кирган ҳар бир одамнинг завқини қўзғайди.

Ҳозир ўнлаб самосваллар Чортоқнинг Ҳазратишоҳ, Парамон, Косонсойнинг Хўрозбўйин қишлоқларидан рангин тошларни ташиб келмоқда. Амфитеатр қаршисида бунёд этилажак сунъий тоғ алпинизм билан қизиқувчи фарзандларга машқ майдони бўлиш билан бирга харсанг тошлардан тушажак шаршара табиатга меҳр уйғотиш, дам олишга ёрдам бериши билан ҳам эътиборга лойиқ. Бу ердаги боулинг эса меъморий ечими билан шаҳарчага кўрк бағишлаб турибди.

Шу йил 23 май куни вилоятга ташриф буюрган давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов бу шаҳарча қурилишини кўриб мамнун бўлдилар ва унинг ҳудудини кўкаламзорлаштириш, экологияга ижобий таъсир кўрсатадиган дарахтларни кўпайтириш соҳасида ўз маслаҳатларини бердилар. Қурилиш майдонларини айланиб ўша маслаҳатларнинг амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Эзгу ишга қушлар ҳам қанот қоқади, дегандай Шредер номидаги боғдорчилик илмий-тадқиқот институти директори Мақсуджон Мирзаев бир гуруҳ мутахассислари билан маслаҳат ва амалий ёрдам бериш учун бу ерга келган экан. Улар шаҳарчани айланиб, қурилиш мутасаддилари билан маслаҳатлашишяпти. Ўнлаб талаба ёшлар эса кўкаламзорлаштириладиган майдонларга чим босишмоқда. Ҳа, Президент инглиз газонларидан кўра ўз иқлимизга хос тарзда чим босиш ва раграс сепишнинг афзаллигини айтган эдилар.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлар кенгаши йиғилишида давлатимиз раҳбари болалар спорти мажмуасини болаларнинг қатнашига қийинчилик туғдирмайдиган, қулай масофаларга жойлаштиришга эътиборни қаратдилар. Наманганда бунёд бўлаётган болалар ва ёшлар спорти шаҳарчаси ана шу талабга айнан жавоб беради, зеро шаҳарнинг ҳамма даҳалари болалари учун қулай ва яқин.

Ойлар ўтар... Бу даргоҳ авлоднинг фарзандларимизни соғлом, мард ва жасоратли, баркамол этиб тарбиялашга хизмат қила бошлайди.

Йиллар ўтар... Бу даргоҳда машқ кўрган фарзандларимиздан машҳур кишилар, чемпионлар етишиб чиқар, улар Ватан ва миллат шаънини шонларга буркар. Иншооллоҳ, яхши ният ҳамиша яхши якун топади.

Ҳабиб САЪДУЛЛА

✧✧✧

Суратларда: болалар ва ёшлар спорт мажмуи қурилишидан лавҳалар.

СОВРИНДОРНИНГ ШИОРИ:

«Тез — сифатли — арзон»

«ЎЗБЕККСЕРОКС» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?

ЕТТБнинг энг яхши бизнес-лойиҳа бўйича ўтказган танловида Тошкентдаги «ЎзбекКсерокс» корхонаси совриндор бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ўз соҳаси бўйича республикада етакчилардан бири саналган қўшма корхона хизматларидан деярли ҳар бир ўзбекистонлик фойдаланган. Биргина рақамнинг ўзи кўп нарсани айтиб турибди: тўланган низом сармояси 1 миллион 690 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Қўшма корхона тарихи 1992 йилдан бошланган. Республикадаги иқтисодий ислоҳотлар бозор инфратузилмасининг асосий элементларини яратишни тақозо этарди. Нусха кўчириш бўйича хизматлар шулардан бири бўлиб, ниш ураётган бизнес учун ўта зарур эди. Ўша пайтлар низомлар, таъсис ҳужжатларини кўпайтириб берувчи кўплаб кичик корхоналар очила бошланди. Ҳар хил буклетлар ва каталогларга бўлган эҳтиёж ошди. Ўзбек корхоналари халқаро бозорларга нуфузли чиқиши ва барча қоидаларга мувофиқ ўзларини намоён этишлари керак эди. Ана шундай корхонани ташкил этиш ғоясини ўша пайтда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига раҳбарлик қилаётган И.Шоғуломов илгари сурди (ҳозирда у қўшма корхонага бошчилик қилмоқда).

Кўплаб хорижий шериклар иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётган Ўзбекистонга ўз инвестициялари билан кириб кела бошлади. Улар орасидан таниқли «XEROX» фирмаси танланди. Тошкент қўшма корхонаси наинки нусха кўчириш бўйича хизматлар кўрсата бошлади, айни чоғда асбоб-ускуналар савдосини ҳам йўлга қўйди. Республикада эса харидорларнинг адоғи йўқ эди.

Бугун ҳар бурчакда нусха кўчириш хизматларига дуч келиш мумкин. Ҳолбуки, ўша пайтларда бу анқонинг уруғи эди. Дарвоқе, барча эълонларда ҳамон «ксерокс» сўзи хизматларнинг белгиси сифатида ёзилиб келмоқда. Ҳолбуки, амалда у қўшма корхонанинг ҳаммуассиси бўлган компаниянинг номидир. Кўп фирмалардаги эскириб қолган асбоб-ускуналар «ксерокс»ники эмас, лекин гап бошқа ёқда, яъни хизматлардан барча бемалол фойдалана олаётганлигидадир.

— Ҳозир корхона олдида замон билан баравар қадам ташлаш вазифаси турибди. Бу изланиш, мунтазам ўз устида ишлаш ва такомиллашиб бориш демакдир, — дейди қўшма корхона бошқаруви раиси И.Шоғуломов. — Бу борада ҳеч қандай тайёр андозалар ва жўн ечимлар йўқ.

Ислом Шоғуломовнинг катта ишлаб чиқариш, ташкилотчилик ва ҳаётдаги тажрибаси бизнесни кенгайтириш ва ҳаракатнинг маъқул вариантини танлашда кўл келмоқда. Устозларнинг тажриба ва билими бошқарувда ёш менежерларнинг иштироки билан мустаҳкамланиб бораётир. Бу ўз мевасини бермоқда: ижодий ёндашув, ноандозавий ечимлар омадли бизнесни таъминламоқда.

Ҳар томонлама таҳлилдан сўнг шундай хулосага келиндики, 10 йил муқаддам ўрнатилган асбоб-ускуналар бугунги барча талабларга жавоб беролмайди. Тўғри, қаердадир машиналардан охиригача фойдаланишга уринишлар бўлиши мумкин, лекин қўшма корхонада бошқа йўлдан боришга қарор қилинди. Модомики, асбоб-ускуналар ҳам маънавий, ҳам механик эскирган экан, уларни алмаштириш зарур. Негаки, даврга мос бўла олмаслик тараққиётдан орқада қолиб, бозорни йўқотишга ва ҳаттоки абгор бўлишга олиб келиши ҳеч гап эмас. Қайта жиҳозлаш қиммат. Лекин шундай қилишга тўғри келади. Бунинг учун қарз олиш ёки инвесторларни топиш керак.

Ҳукуматнинг тегишли қарорларидан келиб чиқиб, корхонани давлат тасарруфидан (акцияларнинг 66 фоизидан ортиғи давлатга тегишли) чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Хорижликларда шундайки, агар низом жамғармасида хусусий сармоянинг улуши устувор бўлса, инвестицияга қизиқиши ортади. Хусусийлаштириш аллақачон белгиланган, жамоа ўз пулларини сарфлашга ва акцияларнинг бир қисмини сотиб олишга рози. Маҳаллий инвесторларда ҳам қизиқиш бор. Бир сўз билан айтганда, бундан давлатга ҳам, корхонага ҳам наф тегади. Акциядорлар ҳам четда қолмайди. Улар ўз жамғармаларини қаерга, кимга ва нимага бераётганини яхши билади. Демак, дивидендсиз қолмайди.

Ўзгаришлар заруриятига кўра, «XEROX» компанияси билан келишилган ҳолда хорижий таъсисчини алмаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Низом жамғармасидаги унинг 33,3 фоиз улушини Америкининг «Vergest LTD» фирмаси сотиб олди. Айтгандек, муассисларнинг хорижий ҳамкорлар билан келишувига кўра, қўшма корхона ўз номини сақлаб қолди. Энди «Vergest LTD» ва республика Давлат мулк қўмитаси билан биргаликда қўшма корхонани давлат тасарруфидан чиқариш режаси ишлаб чиқилмоқда. Айни кезда, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки тизими бўйича кредит олиш учун техникавий-иқтисодий асосланмалар тайёрланмоқда.

— Ўзимизни яна бир карра намоён этиш асосий вазифа эди, — дейди қўшма корхона бош директори Фарҳод Мирзааҳмедов. — Ўйлайманки, биз бунинг уддасидан чиқдик. Корхонамиз барқарор, хизматларимиз ва маҳсулотларимизга бўлган эҳтиёж катта, уларга зарурат янада ортади. Танловдаги иштирокимиз ва совринли ўрин бунинг яққол тасдиғидир. Кредит эса ишлаб чиқаришни модернизациялашга, янги техникани ўрнатишга ва хизматларимизнинг сифатли, тез ва арзон бўлишига имкон беради.

Режалар амалга ошса, яқин орада қўшма корхона кўп тармоқли мажмуага айланади. Унинг негизини эса шошилинч босмахона ташкил этади. Шиори: тез, сифатли ва арзон нархларда хизмат кўрсатиш. Буни бозор қонунлари тақозо этмоқда.

Озод ПРИМОВ

Маҳаллада спорт майдони

Қоровулбозор шаҳрида минглаб нефтни қайта ишловчилар яшашади. Ал-Бухорий номли маҳалла фуқаролар йиғинида ишчилар болаларининг спорт билан шуғулланишлари учун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти яқинда 32 миллион сўмга шинамгина ўйингоҳ, теннис корти, бассейин қуриб берди.

— Корхона, — дейди фуқаролар йиғини раиси Ирода Облобердиева, — бу билан чекланиб қолгани йўқ. Маълум мутахассис ажратиб, спортнинг бир неча турлари бўйича тўгараклар фаолиятини ҳам йўлга қўйишда кўмаклашди.

Бундай имкониятдан тумандаги бошқа маҳаллалар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Жумладан, Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғинида болалар спортини жонлантириш борасида бир қадар савобли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғини раиси Ёқуб Аллақуловнинг таъкидлашича, спорт анжомлари олиш учун «Дўстлик», Ал-Фарғоний номли ширкат хўжаликларига маблағ ажратиш билан бирга қўшимча спорт майдончаларини ҳам ташкил этишяпти.

Даврон БАҲРОНОВ

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

ЭГАСИДАН ОЛИНИБ...

ЁКИ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ КЕЛИНГАН ТОВАРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МУСОДАРА

Тадбиркорлар фаолиятига бўлар-бўлмасга аралашавериш даври аллақачонлар ўтиб кетган. Лекин ваколатли идораларда ишлайдиган айрим мансабдорлар бу ҳолга ҳалигача кўника олмаяптилар шекилли. Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган «Оқ олтин XXI аср» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳ.Мамедовнинг арз-доди ҳам шундан далолат бериб турибди.

2003 йил 14 январь куни Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-қарори ижросини таъминлаш юзасидан тадбир ўтказилади. Тадбир давомида Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида яшовчи фуқаро А.Асадов томонидан қонунга хилоф равишда сотилаётган «КамАЗ» русумли автомашинанинг 77 хилдаги эҳтиёт қисмлари ҳамда 70 минг сўм савдо пули далилий ашё тарикасида олиб қўйилади. Бу товарлар вақтинча сақлаб туриш учун Кармана шаҳридаги «Оқ олтин XXI аср» масъулияти чекланган жамиятга топширилади. Бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Ушбу ҳолат юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судига юборилади. Суд томонидан А.Асадовнинг хатти-ҳаракатига қонуний баҳо берилади ва 2003 йил 19 февралда ижро ҳужжати чиқарилиб, унда айбдордан олиб қўйилган, айни вақтда «Оқ олтин XXI аср» МЧЖда сақланаётган 644300 сўмлик 77 хилдаги автомобиль эҳтиёт қисмлари ҳамда ҳужжат 2003 йилнинг 24 февраль куни суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бўлимига юборилади. Худди шу куннинг ўзида департаментнинг катта инспектори А.Сафаров томонидан суднинг юқоридаги ҳужжати бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилади. Суд ижрочилари ушбу қарорга мувофиқ «Оқ олтин XXI аср» фирмаси раҳбарларини чақириб, уларнинг ихтиёрида сақланаётган автомобиль эҳтиёт қисмларини товарларни қайта нархлаш ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган «Баҳолаш далолатномаси»даги нархлар бўйича сотиб, тушган маблағни давлат ҳисобига ўтказиб беришни сўрайдилар. («Оқ олтин XXI аср»га давлат ҳисобига ўтказилган товар-моддий бойликларни сотиш учун вилоят ҳокимининг қарори билан рухсат берилган.)

Шу билан иш ўзининг мантиқий ниҳоясига етгандай эди. Бироқ давлат фойдасига мусодара қилинган товарларни сотишга эндигина киришилган пайтда ички ишлар ходимлари «Оқ олтин XXI аср» МЧЖга қарашли дўконлардан бирига келиб, харидорларни чиқариб юборишди ва текшириш ўтказа бошладилар. Улар «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдиришдан бош тортиб, молиявий ҳужжатларни бошқарманинг коррупция бўлимига олиб кетишади. Ҳужжатлар ўрганилганда, ҳеч қандай ноқонуний ҳолат топилмайди.

Ўрнатилган тартибга кўра бирон-бир хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти текширишдан ўтказиладиган бўлса, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши ёки унинг жойлардаги бошқармаларидан рухсат олиниши шарт. Қолаверса, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшираётган назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлдиришга мажбурдирлар. Мазкур ёзув киритилмаган тақдирда ўтказилган текшириш ноқонуний деб топилади. Бу «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Қонуннинг бу талабини мўътадил сақлаб турадиган кўлдан кўкка ўрлаган сувлар, сув спорти машқлари ва машғулотлари учун яратилган шароит, марказда эса тўрт минг ўринли амфитеатр, унинг 23 метр баландликдаги, диаметри 30 метр бўлган маҳобатли гумбази, кўл ўртасидаги икки оролча, уч бассейнли аквопарк спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятини берадиган спорт зали, футбол, мўъжаз (мини) футбол, теннис майдонлари, япон боғи, овқатланиш даргоҳлари — бари бу ерга кирган ҳар бир одамнинг завқини қўзғайди.

Ҳозир ўнлаб самосваллар Чортоқнинг Ҳазратишоҳ, Парамон, Косонсойнинг Хўрозбўйин қишлоқларидан рангин тошларни ташиб келмоқда. Амфитеатр қаршисида бунёд этилажак сунъий тоғ алпинизм билан қизиқувчи фарзандларга машқ майдони бўлиш билан бирга харсанг тошлардан тушажак шаршара табиатга меҳр уйғотиш, дам олишга ёрдам бериши билан ҳам эътиборга лойиқ. Бу ердаги боулинг эса меъморий ечими билан шаҳарчага кўрк бағишлаб турибди.

Шу йил 23 май куни вилоятга ташриф буюрган давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов бу шаҳарча қурилишини кўриб мамнун бўлдилар ва унинг ҳудудини кўкаламзорлаштириш, экологияга ижобий таъсир кўрсатадиган дарахтларни кўпайтириш соҳасида ўз маслаҳатларини бердилар. Қурилиш майдонларини айланиб ўша маслаҳатларнинг амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Эзгу ишга қушлар ҳам қанот қоқади, дегандай Шредер номидаги боғдорчилик илмий-тадқиқот институти директори Мақсуджон Мирзаев бир гуруҳ мутахассислари билан маслаҳат ва амалий ёрдам бериш учун бу ерга келган экан. Улар шаҳарчани айланиб, қурилиш мутасаддилари билан маслаҳатлашишяпти. Ўнлаб талаба ёшлар эса кўкаламзорлаштириладиган майдонларга чим босишмоқда. Ҳа, Президент инглиз газонларидан кўра ўз иқлимизга хос тарзда чим босиш ва раграс сепишнинг афзаллигини айтган эдилар.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлар кенгаши йиғилишида давлатимиз раҳбари болалар спорти мажмуасини болаларнинг қатнашига қийинчилик туғдирмайдиган, қулай масофаларга жойлаштиришга эътиборни қаратдилар. Наманганда бунёд бўлаётган болалар ва ёшлар спорти шаҳарчаси ана шу талабга айнан жавоб беради, зеро шаҳарнинг ҳамма даҳалари болалари учун қулай ва яқин.

Ойлар ўтар... Бу даргоҳ авлоднинг фарзандларимизни соғлом, мард ва жасоратли, баркамол этиб тарбиялашга хизмат қила бошлайди.

Йиллар ўтар... Бу даргоҳда машқ кўрган фарзандларимиздан машҳур кишилар, чемпионлар етишиб чиқар, улар Ватан ва миллат шаънини шонларга буркар. Иншооллоҳ, яхши ният ҳамиша яхши якун топади.

Ҳабиб САЪДУЛЛА

✧✧✧

Суратларда: болалар ва ёшлар спорт мажмуи қурилишидан лавҳалар.

Суғурта бозори нима?

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим тармоқларидан бири — бу суғурта тизими. Тизимнинг асосий мақсади ва вазифаси — хўжалик юритувчи субъектларга хавф пайдо бўлиб, таҳдид юзага келганда, салбий иқтисодий оқибатларни юмшатиш ёхуд уларнинг олдини олиш. Демак, суғурта — мулкчиликнинг турли шаклларидан қатъи назар, тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий жиҳатдан мавжудлигини таъминлайди, юзага келувчи талафотлар олдини олади ва уларнинг сонини имкон борича камайтиради.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида суғурта инвестиция ва инвесторларни жалб этишнинг асосий соҳаси ҳамда кафолатловчи ташкилоти бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш мақсадида хорижий сармояларни суғуртавий ҳимоялашни фаоллаштиради. Шу нуқтаи назардан, нафақат хорижий сармоялар, балки миллий манфаатларни ҳам муҳофаза қилади.

Сармоя жараёнини суғурталаш эса хорижий сармоялар оқимини кўпайтиришга қўшимча имтиёзлар яратади. Демак, бу жараённинг шаклланиши — иқтисодий ва пул-кредит барқарорлиги таъминланишини, тизимга йирик молиявий манбалар жалб этилишини ва суғурталашнинг устувор йўналишлари белгилаб `олинишини ҳамда услубий негизнинг янада кенгайтирилишини тақозо этади. Бу борада халқаро тажрибалардан самарали фойдаланиш шубҳасиз ижобий натижа беради.

Таваккалчилик даражалари юқори бўлган кезларда давлат сармоядорларнинг қизиқишларини ва сармоялар ҳажмини кафолатлаши керак. Чунки, сир эмас, хорижий сармоялар оқими бюджетни тўлдириш учун муҳим манбадир. Лекин, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бу кафолатлар давлат балансидан ташқари мажбуриятларни намоён қилади ва эҳтимол давлат бюджетига салмоқли даражада зарар етказиши ҳам мумкин. Шунинг учун масала ечимида аввал бошданоқ пухта, пишиқ аниқликлар талаб қилинади.

Давлат хорижий сармоядорларни кутилмаганда ўзгарувчан нарх-наво, баҳо, маҳсулотга бўлган талабларнинг ўзгариши каби тижорий таваккалчиликлардан эмас, аксинча сиёсий таваккалчиликлардан кафолатлаши мумкин. Чунки бундай таваккалчиликлар давлатнинг таъсир доирасидан ташқарида бўлади. Яъни бозор, нарх, рақобат каби жараёнлар тақдирини бозор иқтисодиёти инфратузилмалари ҳал қилади, ахир.

Шу нуқтаи назардан, менинг наздимда, мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш учун суғурта тизимининг нафақат давлат секторини, балки унда мавжуд бўлган мулкчилик шаклларини ҳам вужудга келтириш, ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ кўринади. Шундагина суғурта бозори республикамиз иқтисодиёти ўсишида янада кўламлироқ роль ўйнаши мумкин.

Нилуфар МАВРУЛОВА,
Тошкент молия институтининг 3-курс талабаси

Журналистлар иш ташладилар

Италия журналистлари матбуот эркинлиги таъминланишини талаб қилиб, 24 соатлик иш ташладилар. Бу акцияни Италия матбуот конфедерацияси ҳам қўллаб-қувватлади.

«Новости» агентлиги хабарига кўра, норозилик акциясида газета ва журналлар таҳририятларининг, ахборот агентликларининг, радио ва телевидениенинг ижодий жамоалари, ҳатто оммавий ахборот воситаларининг жамоатчи мухбирлари ҳам иштирок этди.

Иш ташлаш эълон қилинган куни янгиликлар дастури атиги 3 марта эфирга чиқди холос, яъни қисқа ва видеотасвирларсиз. Кеча эса газеталар умуман чоп этилмади.

XORIJDA

«Қариялар мамлакати»

Куни кеча эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, Японияда 75 ёшга етганлар сони 10 миллиондан ортиб кетди. 65 ёшлилар эса 23,63 миллион кишини ташкил этмоқда. Шундай қилиб бу мамлакатда ўртача умр кўриш эркаклар учун 78, аёллар учун эса 84 ёшга тўғри келмоқда.

Дарвоқе, 100 ёшдан ошганлар сони 17934 кишига етди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

Музокара кун тартибига қайта қўйилмоқда

Испания ташқи ишлар вазирининг Reuters агентлигига маълум қилишича, баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган Гибралтар масаласи бўйича Брюссел жараёнини давом эттириш ҳақида Буюк Британиядан Испанияга расмий хат келган. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, Буюк Британия Гибралтарга ҳали-бери мустақиллик берилмаслигини айтмоқда.

Тарихдан маълумки, Испания Гибралтарни 1713 йили Буюк Британия ихтиёрига берган эди. Энди эса унинг қайтарилишини талаб қилмоқда.

Қамоқ ўрнига...

Россияда 2004 йилдан бошлаб жазо чораларининг қамоқдан ташқари муқобил турлари ҳам амалга жорий этилади, дея ёзишади кундалик «Газета» нашрининг сайтида.

Гап шундаки, бу борада олдиндан тажрибалар ўтказилди. Яъни жазони ижро этиш бош бошқармаси (ЖИЭББ) ва «Халқаро қамоқ ислоҳоти» нодавлат ташкилоти томонидан ҳамкорликда ўтказилган синовларда маҳбуслар кўчаларда қор кураши, супуриб-сидиришди, вагонларга юк юклашди ва туширишди, қисқаси, шу сингари вазифаларни бажаришди. Натижа чакки бўлмади.

Бундай ишларни қамоқхоналар зиммасига «юклаш»ни Президент Владимир Путин таклиф қилган эди. Президент баҳордаёқ қонунларни либераллаштириш бўйича Жиноят Кодексига ўзгартиришлар киритишни ҳамда жазо турларини кенгайтиришни давлат думаси эътиборига ҳавола этган эди.

Кейинги уч йилда Россияда маҳбуслар сони 1 миллион 100 мингдан 800 мингтагача қисқарди. Манбаларга қараганда, жазони ўтаётганларнинг 50 фоизидан ортиғини 5 йилдан 15 йилгача «кесилганлар» ташкил этади. 30 фоиздан ортиғи эса 3 йилдан 5 йилгача, фақат 1 фоизигина 1 йилгача бўлган муддатга қамалган. Германияда эса бу кўрсаткич аксинча кўринишни намоён этади, яъни қамалганларнинг 55 фоизи атиги 12 ойгача бўлган муддатга «кесилган».

«Биз жазо турларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга қарор қилдик, — дейди ЖИЭББ ўринбосари Олег Филимонов. — Бизнинг эндиги вазифамиз инсонни қилган гуноҳи учун жазолаш эмас, балки унинг озодлиги ва ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва шу ҳуқуқлари бузилмаслигига эришишдир. Қамоқхона одамлар учун ижтимоий кўникма ҳосил қиладиган тарбия марказига айланиши лозим. Одам биринчи қамалган куниданоқ унинг бу ердан тезроқ чиқиб кетишини ўйлашимиз даркор».

Шунинг учун ҳам жазо турларининг муқобил кўринишлари босқичма-босқич амалга оширилади, яъни 2004, 2005 ва 2006 йилларда.

Юқорида айтилдики, жазонинг муқобил турлари синовдан ўтказилди, деб. Дарҳақиқат, Россиянинг 9 ҳудудида 445 та жиноий ишга шундай жазо чораси қўлланилди. «Лекин адвокатлар томонидан бирорта ҳам шикоят тушмади» дейди «Халқаро қамоқ ислоҳоти» нодавлат ташкилотининг Марказий ва Шарқий Европа бўйича директори Виктория Сергеева.

Ўғрилик, безорилик сингари майда жиноятларга мажбурий меҳнат жазоси қўлланилади.

Адлия вазирлиги мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, жазонинг барча муқобил турлари амалга жорий этилгач, қамоқхоналардаги маҳбуслар сони тахминан 15-20 фоизга камаяди.

Дарвоқе, муқобил жазо турлари қўллана бошлангач, ахлоқ тузатиш муассасаларининг янги турлари пайдо бўлади, яъни маҳбус кундузи махсус белгиланган ҳудудда ишлайди, кечқурун эса уйига кетиши мумкин. Фақат ўзини идора қилолмаса, яна безорилик содир этса ёки уйи узоқ бўлса ахлоқ тузатиш муассасасида қолиши мумкин. Бундай жазо тури 2005 йилдан амалга жорий этилади.

● НУҚТАИ НАЗАР

Ҳамжиҳатлик — тинчлик қўрғони

Мамлакатимизда яшаётган юздан зиёд миллат ҳамда элатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, тинчлиги, тотувлиги, уларнинг муштарак мақсадлари ва барқарор шундай тарзда яшашнинг асосий омили — миллий истиқлол ғояси руҳидаги тарбия эканлиги эндиликда барчага беш қўлдек маълум.

Хўш, бундай руҳдаги тарбиянинг ўрни нимада? Аввало, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлаётган янгиланишларда мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг ҳиссаси бор. Шу боис, кўп миллатли давлатлар жумласига кирган Ўзбекистонда бу масалага давлат сиёсати даражасида қараб келинади. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ, миллатлараро муносабатларда «миллатлараро тотувлик», «миллатлараро ҳамжиҳатлик» ғояларига асосий ғоялар тарзида изчил эътибор бериб келинаётганлигига ҳаммамиз гувоҳ.

Шу нуқтаи назардан, бугун биз миллатлараро ҳамжиҳатликнинг омили — миллий истиқлол ғояси деб баралла айта оламиз. Чунки, бу ғоя миллатлараро муносабатларда одамларнинг қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, ҳаммасига бир хил манфаатни раво кўради. Айни шу жиҳатдан уни бир мамлакатда яшаб, бир мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асоси — тинчликнинг таянч қўрғони, дейиш мумкин.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли, кучли давлатдан — кучли жамият сари, яъни демократик, фуқаролик жамияти қуриш мақсадлари, ўйлайманки, ҳар бир фуқаронинг умум мақсади. Эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан қуриш ғояси миллий истиқлол ғоясининг бош ғояси сифатида ҳар бир кишининг эркинлиги, мақсади, ҳуқуқ ва манфаатларини мужассамлаштиради. Шунингдек, мафкурамизнинг «Ватан равнақи», «юрт тинчлиги», «халқ фаровонлиги», «комил инсон», «ижтимоий ҳамкорлик», «динлараро бағрикенглик» сингари бири-бирига муштарак ғояларининг мақсади ҳам танлаган йўлимизга хизмат қилади. Уларга бўлган эътиқод ва садоқат қанчалик кучли бўлса, мамлакат ҳам кучли бўлади.

Тўғри, айримлар, мустақилликка ўн икки йил бўлаяпти, истиқлолнинг нима эканлигини тушуниб олдик, энди мафкурамизни «миллий истиқлол ғояси» демасдан, «миллий ғоя» десак ҳам бўлаверади, демоқдалар. Менинг нуқтаи назаримда, миллий истиқлол ғоясини «миллий ғоя» деган билан унинг мақсади ўзгариб қолмайди. Лекин ҳали бу тарздаги ифодага эртароқ деган ҳам фикрдаман. Нега деганда, мустақилликнинг нима эканлигини, истиқлол ғоясининг маъно-моҳиятини (барча миллатлар ва этнослар кўзи билан қараганда) ҳамма ҳам тўла тушуниб олган, дея олмайман. Бугун мустақилликни асраб-авайлаш ва уни мустаҳкамлашдан мақсад — уни мамлакат олдида турган энг устувор вазифалардан бири — моҳиятини ҳали атрофлича ва янада кенгроқ кўламда тушуниш керак бўлади, деган фикрдаман.

Қулмуҳаммад АСТОНАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

● ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШАЁТГАН ТЕЛЕКОМ

«...Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш...» биринчи галдаги энг муҳим вазифалардан ҳисоблансин...

(«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2002 йил, 30 май) Фармонидан)

Ўша куни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Андижонтелеком» филиали эрталабдан одамлар билан гавжум эди. Ишга эндигина келган филиал директори Абдумажид Қодиров олдинига ҳайрон бўлди:

— Ие, нега тўпланишди экан? — ўйлади у. — Балки бирор линияда авария юз бердимикан? — хавотир ҳам олди.

— Ассалому алайкум, — саломлашди аввалига у. — Тинчликми?

— Тинчлик, — деди ўзини Хуршидбек Алимов деб таништирган йигит. — Ҳасанбой ака Патидиновнинг таваллуд топган кунлари экан, олтмишга кирибдилар... Табриклаш учун келдик.

— Хайрият, — кўнгли жойига тушди директорнинг. — Яхши иш қилибсизлар... Лекин, айтингчи, сиз ўзингиз аслида «Телеком» хизматидан розимисиз?

— Албатта-да. Йўқса, бугун шунча абонент идорангизнинг ажойиб одамларидан бирини табриклаш учун атай бу ерга келармидик. Масалан, бизнинг хонадонимизга бундан қирқ икки аввал телефон ўрнатилган. Ўшандан буён тинимсиз ишлайди. Узоғимиз яқин, оғиримиз енгил... хизматингиздан ҳурсандмиз.

Хуршидбекнинг фикрини шаҳарнинг Учқун кўчасида истиқомат қилувчи 22-10-59 рақамли телефон абоненти Баҳодир Маъмуров, Тельман кўчасида яшовчи 35-57-88 рақамли телефон абоненти Абдулатиф Тожибоев ва бу ерда тўпланган бошқа ўнлаб мижозлар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Директор ўз ҳикояси асносида филиал фаолияти юзасидан яқиндагина тайёрланган ҳисобот ҳужжатларини кўрсатди: биргина 2002 йилнинг ўзида вилоят халқ хўжалиги ва аҳолисига 2035182,7 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Бу белгиланган режага нисбатан 120,7 фоизни ташкил қилади. Аҳолига пуллик хизмат 1107057,9 минг сўмлик даражасига чиқди ва ҳажмига кўра вилоят бўйича (янги сўзлашув пунктларини очиш, жисмоний шахслар билан провайдерлик шартномаларини тузиш эвазига) 2001 йилга нисбатан 165,9 фоизга ўсди. 2002 йил давомида мавжуд телекоммуникация боғламалари орқали 6245.5 мингта шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар амалга оширилди. Бу ҳам 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 126,1 фоиз кўп бўлиб, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Андижонтелеком» филиали эндиликда дунё билан сўзлашаётган масканлардан бири бўлиб қолаётганидан ёрқин далолат.

Қишлоқ телефон АТСларини АОН аппаратураси билан таъминлаши натижасида шаҳарлараро сўзлашувларнинг сони аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди. 2002 йилда қўшимча 14 та қишлоқ АТСларига АОН ўрнатилди. Ушбу соҳа бўйича олинаётган даромад миқдори ҳам ўсди. 2001 йилда 818087,4 минг сўмлик даромад олинган бўлса, 2002 йил бу кўрсаткич 1193333,3 минг сўмга етди. Ўсиш суръати 145,8 фоизга тенг бўлди. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра асосий телефон аппаратлари сони 94856 тани ташкил этиб, бунинг 79765 таси аҳоли хонадонларига ўрнатилди.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш — устувор вазифалардан бири этиб белгиланиши биланоқ «Андижонтелеком» филиалида ҳам бу тармоққа алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, чегара ҳудудларида жойлашган бўлимларда қўшимча сўзлашув масканлари ишга туширилди, шаҳар ва қишлоқ таксофонлари ижарага берилди. Натижада, аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш ҳажми ошди ва ўз навбатида жамият қўшимча даромад ҳам олишга эриша бошлади. Ижарага берилган 414 та таксофонлардан йил давомида 13483,2 минг сўм даромад кўрилди ва 474 та қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони (2002 йил, 30 май), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фармон ҳамда қарорни амалга ошириш ҳақидаги Андижон вилояти ҳокимлигининг 2002 йил 24 июндаги №93-к сонли қарорини бажариш бўйича филиал жамоаси қатор ижобий ишларни амалга оширмоқдалар.

Жумладан, шу кунларда Корея Республикасининг EDCF кредити бўйича қурилган замонавий телефон станциялари ва оптик толали алоқа линияларидан фойдаланишнинг синов даври давом этмоқда. Мазкур жиҳозлар тўла фойдаланишга топширилгандан сўнг «Андижонтелеком» филиали телекоммуникация тармоғига умумий сиғими 21000 бўлган 4 та рақамли телефон станциялари ва 150 км. оптик толали алоқа линияси қўшилади. Бунинг натижасида вилоятнинг 8 та шаҳар ва туман марказлари рақамли телекоммуникация тармоғи билан таъминланиб, замонавий ахборот тармоқларига уланиш имкониятига эга бўлади. Аҳоли пунктларининг Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятларини орттириш мақсадида Асака, Шаҳрихон ва Қорасув шаҳарларида «Интернет-кафе»лар ташкил қилиниши ҳам режалаштирилган.



2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан 2003 йил 8 апрель ҳолатига кўра маҳалла фуқаролар йиғинлари манзилгоҳларининг 545 таси телефонлаштирилди. Бу борада айниқса, Шаҳрихон, Балиқчи, Хўжаобод телекоммуникация боғламаларида катта ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда филиал тасарруфидаги 54 та ижарага берилган сўзлашув масканларидан 37 таси билан 2003 йил 1 мартдан бошлаб қайта шартномалар тузилди. Шартномага асосан улар «Андижонтелеком» тасарруфидан чиқарилди ва мустақил тадбиркор сифатида фаолият кўрсата бошлашди. Алоқа линиялари воситаларининг бетўхтов ишлаши мунтазам назоратга олинди. Режадаги 4,3 км. ўрнига 9,2 км. магистрал кабель, 9,6 км. ўрнига 10,9 км. тарқатиш кабеллари, 57,0 км. ўрнига 58,0 км. алоқа симлари, 18,6 км. ҳаво алоқа линиялари тўла ва сифатли таъмирланди.

Хуллас, «Андижонтелеком» филиали алоқачилари бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, иқтисодий ислоҳотларни жадал амалга оширмоқдалар, дейишга арзигулик ишлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, вилоят телекоми алоқачилари дунё билан сўзлашиш имконига эришганликларининг ўзиёқ уларнинг ижодий изланишларидан дарак бериб турибди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратларда: «Андижонтелеком» филиали ходимлари фаолиятидан айрим лавҳалар.

ЭГАСИГА СОТИЛГАН МОЛ

ЭТИЛИБ, СЎНГРА АНТИҚА ТАРЗДА ЎЗ ЭГАСИГА «ҚАЙТАРИЛГАНИ» ҲАҚИДА

Лекин эҳтиёт қисмлардан 2-3 таси баҳолаш комиссияси томонидан белгиланган нархларда сотиб юборилган эди. А.Асадовга «Олиб қўйилган моллари кам-кўстсиз қайтариб олиб берилиши» ваъда қилинганми ёки бошқа сабаби борми, ҳар ҳолда молларнинг қайтарилишини назорат қилиш учун келган Ф.Сидиқов бу ҳолдан бошлиғини хабардор этади. О.Андаев эса эзди. Гап битта — гильзани топасан ёки ўрнига накд 150 минг сўм берасан!».

Сотилган гильзани топиб жойига қўйишнинг иложи йўқлигини яхши билса-да, Ҳ.Мамедов бошлиқнинг гапига рози бўлади. 5 минг сўмга сотилган эҳтиёт қисмнинг пулини 150 минг қилиб А.Асадовга беради. Дўкон орқали сотилган 2 та эҳтиёт қисмнинг пуллари ҳам зудлик билан ҳузурига фирма раҳбари Ҳ.Мамедовни чақиртиради. Ундан сотилган эҳтиёт қисмлар ҳақида сўрайди. Фирма раҳбари улар баҳолаш комиссияси томонидан белгиланган нархлар бўйича сотилганлигини айтади. (Шу пайтда унинг хонасида А.Асадов ҳам ўтирарди.) Бу гапдан бошлиқ тутоқиб кетади: «Бир комплект гильзани беш мингга сотибсан, нима, унинг бозорда қанча туришини билмайсанми? Унинг аслида баҳоси 150 минг сўм! Эҳтиёт қисмлар Алининг ўзига қайтариб берилиши учун атайин нархи арзонлаштирилган шу тариқа бир неча баравар қилиб қайтарилади.

О.Андаев гапида баҳолаш комиссияси билан келишилганлигига ишора қилган эди. Унинг бу гапида жон борга ўхшайди. Баҳолаш комиссияси томонидан имзоланган «Баҳолаш далолатномаси»даги айрим эҳтиёт қисмларнинг нархини кўриб, ажабланишингиз табиий. О.Андаев айтганидек, бир комплект гильзани 5 минг сўмга харид қилиш анқонинг уруғини топиб олгандай гап. Ёки ўзим гувоҳ бўлган бир ҳолат: танишларимдан бири Тошкентдаги автомобиль эҳтиёт қисмлари бозоридан «HENKEL» фара лампочкасини январь ойининг ўрталарида 2600 сўмдан сотиб олган эди. Дейлик, бу молнинг баҳоси Навоий бозорларида Тошкентдагидан 500-1000 сўмга арзон бўлсин, лекин айнан худди шу русумдаги фара лампочкасининг баҳолаш комиссияси томонидан 300 сўмга нархланиши ҳеч аҳлга сиғмайди. Комиссия томонидан 2000 сўмга баҳоланган автомобиль спидометри ва бошқа эҳтиёт қисмлар ҳам атайин жуда арзон нархларда баҳоланган. Шундай қилиб, «КамАЗ» автомашинасига тегишли бўлган 77 турдаги эҳтиёт қисмлар баҳолаш комиссияси аъзоларининг «холис» иш тутишлари туфайли 644 минг 300 сўмга нархланган. Улар бу хулосага бозордан берилган маълумотга асосланиб тўхталганларини пеш қиладилар. Ваҳоланки, маълумотнома ҳам молларнинг бозордаги ҳақиқий баҳосига умуман тўғри келмайди. Агар тўғри келганда А.Асадовга танишларини ўртага қўйиб, чиқимларни кўпайтириб, молини қайтариб олишдан не фойда эди?!

О.Андаев билан юқоридаги ҳолатлар юзасидан суҳбатлашганимизда у келтирилган важларни рад этди. Ходимлари томонидан «Оқ олтин XXI аср» МЧЖга қарашли дўконда ҳеч қанақа текширув ўтказилмаганлигини, хонасига фирма раҳбарларидан ҳеч ким олиб келинмаганлигини, уларга ҳеч қанақа тазйиқ ўтказилмаганлигини таъкидлади. «А.Асадов бир бечора одам, у менга Ҳ.Мамедовнинг устидан шикоят қилиб келгани учун мен бу ишга аралашиб, унинг «запчастларини» олиб бердим. Пулини тўлаб, арзимаган молини ололмай юргани учун Ҳ.Мамедовни чақирган эдим», — деди.

Ваҳоланки, 2003 йил 16 январь куни Ф.Сидиқов бошчилигидаги милиция ходимлари томонидан «Оқ олтин XXI аср» дўконида ҳақиқатан ҳам текшириш ўтказилганлигини ўша пайт дўкондан чиқариб юборилган бир қанча харидорларнинг гувоҳлик бериб ёзган тушунтириш хатлари тасдиқлайди.

Қолаверса, суд қарори билан давлат фойдасига ўтказилиб, суд ижрочиси томонидан чиқарилган ижро ҳужжатига мувофиқ қонуний иш тутган масъулияти чекланган жамият фаолиятига аралашишга О.Андаевнинг нима ҳаққи бор? Ҳамма можарога сабаб бўлган эҳтиёт қисмларни у бирон жойдан ўғирлаб ёки бировдан зўравонлик қилиб тортиб олгани йўқ-ку.

— О.Андаев бизга нисбатан яна ҳар хил йўллар билан тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилмоқда, — дейди Ҳ.Мамедов. — Биз унинг ноқонуний талаби бўйича суд қарори билан давлат ҳисобига ўтказилиб, сотувга чиқарилган эҳтиёт қисмларни А.Асадовга қайтариб бердик. Барча шартига рози бўлдик. Лекин унинг бизга нисбатан ҳамон тазйиқ ўтказишдан мақсади нималигини билолмаяпмиз...

Тадбиркорлик фаолияти билан тинчгина шуғулланиб юрган бир фуқаронинг бошидан ўтказган воқеалардан, ҳурматли газетхон, сиз ҳам воқиф бўлдингиз. Биз Ҳ.Мамедов ҳақ деб унга ён босиш фикридан йироқмиз. Қўлимиздаги ҳужжатлар ва далилларга таяниб, бўлиб ўтган воқеанинг айрим жиҳатлари ҳақидагина тўхталдик, ҳолос. Юқоридаги ҳолатларга қонуний баҳони эса тегишли идоралар беради, деган умиддамиз.

Дилшод ИСЛОМОВ

● МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Миркарим Осимнинг ватанпарварлик мактаби

Уни халқимизнинг бир неча авлоди тарихчи адиб сифатида яхши танийди. Улуғ адибнинг асарлари ярим асрдан буён ўрта мактаб дарсликларидан ўрин олиб, янги-янги авлодлар билан бой ўтмиш маданиятимиз, нурга, зиёга интилган ватанпарвар аждодларимиз ўртасида тарих билан ҳозирги кунларимизни боғлаб турибди.

Ёзувчи Миркарим Осимнинг асарлари халқимизнинг минг-минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, урф-одатлари, илғор удумларини кўзга кўринмас нозик ип билан бугунги воқелигимизга, мустақил мафкурамизга туташтириб келмоқда. Ёшларимизда Ватанга муҳаббат, илм-фан, маданият, тарихга ҳурмат, адолатсизлик, босқинчилик, шовинистик қарашларга нафрат, дунёда мустаҳкам тинчлик учун кураш, гуманизм ҳиссини тарбиялаб, камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари жасур аждодларимиз, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Боборахим Машраб, Алишер Навоий, Нодира каби миллат маънавияти йўлчироқлари ҳақидаги илк адабий тасаввурлар Миркарим Осим қалами қудрати ила камол топиб, халқимиз улар орқали улуғ аждодлар даҳосидан баҳраманд бўлган.

XX аср ўзбек адабиётининг тўнғич авлодига мансуб Миркарим Осим 1907 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У ўз тенгдошлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорлар сингари аввал эски мактаб, сўнгра замонавий мактаб ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олган.

Бўлажак адиб 1918 йили шаҳарнинг Лангар маҳалласидаги «Шамсул-ирфон» номли бошланғич мактабда ўқиди. Уни тугатиб, Алишер Навоий номидаги республика педагогика билим юртига ўқишга кирди.

Миркарим Осим бу ўқув юртида дўстлари Ойбек, Ҳомил Ёқубовлар билан биргаликда адабиёт, санъат сирларини ўрганди. Кейинчалик 1926 йилда Москва давлат педагогика институтининг тарих-иқтисод факультетида таҳсилни давом эттирди. Шу йиллар мобайнида қадим Шарқ, қолаверса жаҳон халқлари тарихини қунт билан ўрганди.

Москвада таълим олиб қайтган ёш мутахассис Самарқанд шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлов курсида дарс бера бошлади. 1932 йилдан Маориф халқ комиссарлигида, сўнг Педагогика илмий-тадқиқот институтида ишлади.

Бўлажак адиб методик қўлланмалар, тарихий-биографик очерклар ёзиб қаламини чархлади. Аста-секин ижодкорнинг тарихий ҳикоя ва қиссалари дунёга келди. «Астробод», «Алишер Навоий ва Дарвешали», «Бадарға», «Навоийнинг хислатлари», «Шоирнинг ёшлиги», «Улуғбек ва Навоий» сингари ҳикоя ва кичик қиссалар шулар жумласидан. Уларда буюк гуманист Алишер Навоийнинг бадиий образи ўзбек адабиётида биринчи марта эпик планда акс эттирилган эди.

Шу тариқа адиб адабиётда ўзининг қатъий ижодий йўлини танлади. У ўз истеъдоди ва бой тажрибасини Она тарихимизни қайта жонлантириш орқали ёш авлодни Ватанга муҳаббат, дўстлик ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга бағишлади. Бу йўлда дўсти, устоз Ойбек адибга мададкор бўлди. Тарихни замонга ҳамнафас қилиш Миркарим Осимнинг бир умрлик орзуси, ҳаётининг мазмуни бўлиб қолди.

Тарихчи адибнинг асарларини даврий жиҳатдан шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: қадимги даврлар ҳақидаги ҳикоялар; ўрта асрлар тарихидан ҳикоя қилувчи асарлар; XVIII асрдан XX аср бошигача бўлган давр тарихий ҳаётини бадиий акс эттирган асарлар туркуми.

Адиб бутун ижодий фаолияти давомида ана шу йўналишларда фаол меҳнат қилди. Қадим аждодларимизнинг Ватанимиз тупроғига бостириб кирган босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашларнинг замондошлари ва шогирдлари ёзиб қолдирган адабий ва тарихий манбаларга материал сифатида ёндашади ҳамда улардан замонавий шакл ва мазмун касб этган янги, бетакрор асарлар яратади. Бунинг учун адиб аввало материалларни бир ипга тизади. Даврлаштиришда «очиқ қолган» ўринларни тўлдириб айрим-айрим ҳикоялардан бир бутун тарихий-биографик асар — қисса яратади. Қиссада баъзан Алишер Навоий образи характерли, тамоман янги қирраларда намоён бўлади.

Адибнинг ушбу асари Ойбек, Уйғун, Иззат Султон, Л.Бать, Азиз Қаюмовларнинг XX аснинг иккинчи ярмида яратган асарлари орасида ўз мавқега эга.

Миркарим Осим ижодининг муайян қисмини ўзбек халқининг яқин тарихи бадиий тадқиқи ташкил этади. Адибнинг «Элчилар», «Карвон йўлларида», «Дўстлик қалдирғочлари», «Тилсиз гувоҳ», «Зулмат ва муҳаббат нури» сингари қиссалари айнан шу мавзуга бағишланган асарлардир. Бу тарихий қиссалар илмий ва бадиий жиҳатдан нисбатан кам тадқиқ қилинган XVII, XVIII, XIX асрларда кечган миллий озодлик ҳаракатлари, ўша давр ҳаётининг тарихий тараққиёт даврини акс эттирган.

Миркарим Осим ижодида тарихий-биографик мавзу асосий ўрин эгаллаган. Унинг «Зулмат ичра нур», «Жайҳун устида булутлар», «Ибн Сино қиссаси», «Алжабрнинг туғилиши», «Синган сетор» қиссалари шу йўналишнинг сара асарлари сирасига киради.

Ёзувчи тарихий-биографик асарларининг бош қаҳрамонлари — жаҳон фан ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган мутафаккир, алломалар. Муаллиф ўз қаҳрамонлари образини тасвирлар экан, ёш китобхонга қаҳрамоннинг энг характерли қирраларини, яъни ҳаётда тўғри йўлни топа билиш, принципиаллик, илм-ҳикматга содиқлик, жўшқин ватанпарварлик, инсоний ғурур каби фазилатларни улуғлайди. Шу туфайли ёзувчидан, табиий равишда, ўз асарида муайян олим ёки ижодкорни илм устида, ижод жараёнида кўрсатиш, унинг кашфиётларига «бадиий баҳо бериш» талаб қилинади. Шу жиҳатдан қараганда Миркарим Осим мушкул илмий кашфиётларни содда, осон тушунтириш, тасвирлаш устаси ҳамдир. Беруний, Ибн Сино образларида, айниқса, ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги муносабати билан яратилган «Алжабрнинг туғилиши» ҳикоясида буни яққол кўриш мумкин.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йилларида илмий адабиётда ҳам, бадиий адабиётда ҳам машрабшунослик анча жонланди. Бу мураккаб тақдирли ватандошимиз қисмати ва исёнкор ижоди кўпчиликни қизиқтириб келади. Миркарим Осим Машраб тўғрисида бир неча биографик ҳикоялар, орадан уч-тўрт йил ўтиб «Синган сетор» номли қиссасини яратди.

Ўзбек адабиётида тарихий-биографик мавзунинг ажойиб намуналари бўлмиш бу қиссалар халқимизга, айниқса, ёш авлодга маданиятимиз тарихи, улуғ алломаларимиз ҳаёт йўлини кўрсатиб беришда беқиёс роль ўйнайди.

Миркарим Осим Сталин қатағонининг биринчи тўлқинида (30-йиллар) «ҳисобга олинган», иккинчи тўлқинида (50-йиллар) сафдошлари қатори «миллатчилик ғоялари, ўтмишни, миллий, тарихий шахслар ҳаётини идеаллаштиргани» учун «халқ душмани», «миллатчи унсур» сифатида 25 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шу сабабдан 60-йилларда ҳибсдан озод этилган ёзувчи ижтимоий ҳаётдан узоқ юрар, юрак олдириб қўйгани учун коммунистик мафкурадан нари турарди.

Ёзувчини ҳамиша Эски Жўвадаги қадимий маданият ўчоғи — Тошкент вилоят кутубхонасининг нодир қўлёзмалар залида, сарғайиб кетган саҳифалар устига мук тушиб ўтирган ҳолатда учратиш мумкин эди. Ижодкорларимиздан ҳеч ким тарихий материални бу адибчалик синчковлик билан ўрганиб, «ўзиники қилиб олиб» ишлатмаган десак муболаға бўлмайди. Заҳматкаш адиб ўтмиш ҳаётини ғалвирда қум этиб, олтин йиққан заргардек қалб чиғириғида қайта ишларди. Шунинг учун ҳам қадимги арабий, форсий ёзувларга баъзан «тиши ўтмай» қолаётган янги авлод ижодкорлари учун Миркарим Осим бадиий асарлари ишончли тарихий манба ролини ўтаб келмоқда.

Миркарим Осим кейинги йилларда ҳар замон-ҳар замонда ижодкорлар манзили — Навоий 30 да пайдо бўлиб қолардилар. Айрим муаллифлар сингари ўз асарларини дарсликларга киритишни даъво қилиб келмасдилар. Эшикни секин қия очиб, каминани оҳиста ташқарига имлар, сўнгра янги қўлёзмаларини ийманибгина узатиб: «Ўқиб фикрингизни айтарсиз. Абдусодиқ фақат фактга ёпишиб олмай, бадиий тўқимани кучайтиринг, деяпти. Анча ишладим. Тарихни бундан ортиқ бузолмайман. Кейин келиб олиб кетарман», — дердилар истиҳола билан. (Домла суҳбатдошининг юзига тик қарамасди.)

Адиб ҳозирги кунда тобора танқислашиб бораётган, адабий асарни пухта ва нозик таҳрир қилувчи, уни «сайратиб» юборувчи муҳаррирлар тоифасидан эди. Домла том маънодаги моҳир таржимон, яъни асарни чуқур ҳис қилиб, қайта ёзиб, таржима қиладиган ижодкорлардан эди. Миркарим Осим Ф. Достоевский, М. Шолохов, А.Толстой асарларини ўзбек тилида жаранглатган адиб. Ҳозирги кунда ўзбек тарихчи адибларининг кўпчилиги Миркарим Осимни устоз деб биладилар. Булар орасида П.Қодиров, О.Ёқубов, М.Қориев, Ў.Ҳошимов, И.Ғафуров, М.Маҳмудов, М.Али, А.Иброҳимов, М.Жалил каби адибларнинг борлиги кишини қувонтиради.

Бу йил атоқли адиб Миркарим Осим таваллудига 95 йил тўлди. Домланинг орамиздан кетганига чорак аср ҳам бўлгани йўқ. Аммо Миркарим Осим ўз ижоди, ёзиб қолдирган асарлари билан аллақачон ўзбек адабиётига янги йўналиш, мустақил руҳ олиб кирди. У эркин ижод қилиш, ҳақиқатни айтиш, айниқса, тарихимиз ҳақида одил гапириш қийин бўлган бир замонда улуғ аждодларимиз, маданий меросимизни улуғлаб, ўлмас асарлар яратди. Назаримда Миркарим Осимнинг ижоди, аниқроғи ёзувчи сифатида жасорати, ватанпарварлиги ҳали деярли ўрганилгани йўқ. Ўрганилса, ёзилса ёш ижодкорларга ибрат мактаби бўларди, деб ўйлайман.

Маҳмуд САТТОРОВ

Ёшлик, гўзаллик ва истеъдод намойиши

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари олдингисидан кўра мазмунан бойиди. Мусобақа дастуридаги спорт ўйинлари сони ортди, янги-янги номлар кашф этилди. Ташкилотчилар ҳар бир учрашувни юксак савияда уюштиришга ҳаракат қилишди. «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақалари муносабати билан қуриб битказилган Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежи ўйингоҳида ёқилган машъала камолот уфқида порлаган ёғду мисол дилларни яйратади. Гарчи бу машъала бир ҳафта давомида ёниб турган бўлса-да, у мусобақа иштирокчилари қалбида доимо яшнаб туришига шубҳа йўқ.



Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежи ўйингоҳи. Соат 19.30. Бағрига йигирма мингдан ортиқ томошабинни сиғдирган стадион байрамона безатилган. Томошабинлар кўтаринки кайфият ва ҳаяжон ичра мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросими бошланишини кутмоқда. Ниҳоят, тантанавор шодиёнанинг бошланишидан дарак берувчи мусиқа садолари янграйди. Ўйингоҳ ёшларнинг шодон қийқириқлари ичра ғарқ бўлгандек гўё. Мухлисларнинг олқишлари остида майдон марказига «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари иштирокчилари кириб келишади. Ранг-баранг гуллар билан безатилган майдонда мусобақа қатнашчилари — 14 жамоа спортчилари саф тортгач, ўртага Ўзбекистон байроғи ва «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақалари рамзий байроғи тантанавор мусиқа садолари остида олиб кирилади. Сухандон мазкур нуфузли мусобақа дастуридан жой олган спортнинг 14 тури бўйича ўз иқтидори ва маҳоратини намойиш этган ғолиб жамоалар номини эълон қилади.

«Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Андижон вилояти ёш спортчилари эгаллашди. Ғолиб жамоа вакилларига Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақалари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси, биринчи даражали диплом ҳамда Президент совғаси «Матиз» енгил автомашинаси калитини Андижон вилояти ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони Қобилжон Обидов ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири биринчи ўринбосари Жуманазар Хусанов топширдилар. Иккинчи ўринни эгаллаган Тошкент вилояти спортчилари II-даражали диплом ҳамда «Дамас» енгил автомашинаси соҳиби бўлишди. Мукофотларни Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов, Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Паҳлавон Луқмоновлар топширди. Мусобақада умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўрин Фарғона вилояти вакилларига насиб этди. Уларга III-даражали диплом ва «Тико» енгил автомашинаси калитини Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси президенти Азиз Носиров ҳамда Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Азизбек Содиқов топширдилар.

Шунингдек, «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақаларида энг иқтидорли ва умидли спортчилар деб эътироф этилган бир қатор жамоа вакиллари турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланишди. Унга кўра, бадиий гимнастика бўйича Навоий вилояти терма жамоаси аъзоси Юлдуз Умарова «Нафосат маликаси», сузиш бўйича андижонлик Александр Мартьянов «Энг кўп медаллар соҳиби», қизлар жамоалари ўртасида қорақалпоғистонлик баскетболчилар ҳамда ўсмирлар жамоалари ўртасида Қашқадарё вилояти волейболчилари «Ғалабага бўлган иродаси учун», самарқандлик Сухроб Неъматов «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари «Футбол юлдузи», Андижон вилояти терма жамоаси боксчиси Жўрабек Мелибоев «Шижоат ва интилиш самараси» номинациялари бўйича қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Сўнгра, ўзига хос тарзда мусобақа машъаласи оҳиста сўнади. Мезбонлар — Андижон вилояти терма жамоаси вакиллари мусобақа рамзий байроғини Тошкент вилояти ёш спортчиларига топширишади.

Ўйингоҳ узра барчамизга ёд бўлиб кетган, ёшларимиз шиорига айланиб улгурган Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон!» қўшиғи янграйди. Алоҳида-алоҳида жамоа бўлиб турган мусобақа иштирокчилари бутун майдон узра яхлит жамоани ташкил этиб, қўшиққа жўр бўлишади.

Жимжимадор, митти юлдузларга макон осмон узра мушакбозлик авж олади. Дилларни мафтун этган ажойиб шодиёна шу зайл поёнига етди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратларда: мусобақа ғолиб ва совриндорларидан бир гуруҳи

Хурсандбек АРАББОЕВ ва Аъзамжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

● ИНТЕР-СПОРТ

Меҳмонлар ғолиб келди

Теннис бўйича Франция очиқ чемпионати якунланди. Аёллар ўртасида бельгиялик Жюстин Энен-Арденн ҳамюрти Ким Клейстерс билан майдонга тушиб, 6:0, 6:4 ҳисобида муваффақият қозонди ва чемпион бўлди. Йигитлардан эса испаниялик Хуан-Карлоснинг қўли баланд келди. У ҳал қилувчи учрашувни голландиялик Мартин Феркеркка қарши ўтказиб, 6:1, 6:3, 6:2 ҳисобида зафар қучди.

Леннокс — Кличкони рингга чорламоқда

WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Леннокс Льюис навбатдаги учрашувни 21 июнь куни Лос-Анжелесда ўтказишга қарор қилгани маълум бўлди. Льюис бу галги жангни украиналик Виталий Кличко билан ўтказмоқчи экан. Боиси, у жанг қилиши лозим бўлган канадалик Кирк Жонсоннинг кўкрагидан олган жароҳати бу яқин ўртада битмайдиган кўринади. Шифокорларнинг фикрига қараганда, у даволаниб рингга кўтарилиши учун камида 4-6 ҳафта керак бўларкан. «Ўйлайманки, Виталий билан бўладиган жанг қизғин ва муросасиз кечиши боис Жонсонга қарши олишувдан кам бўлмайди», деди Леннокс.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Етти ўлчаб, бир кес

Мазмуни: «Ҳар бир ишни обдон ўйлаб, тадбиркорлик билан пухта қил» дейилмоқчи. Вар.: «Ёғоч кессанг, узун кес — кесса бўлар, Темир кессанг, калта кес — чўзса бўлар»; «Кийим бичсанг, узун бич — кийса бўлар».

Ё отинг чиқсин, ё ўтинг чиқсин

(Ўт — бу ерда «киши организмидаги ўт, жигардан чиқадиган ва ўт халтачасида тўпланадиган аччиқ суюқлик. Уни «ўтака», «заҳра» ҳам дейдилар. Ана шу ўт ёрилса, киши ҳалок бўлиши мумкин. «Ўти ёрилди»; «ўтакаси ёрилди»; «ўти учди»; «заҳраси учди» иборалари «ўлгудай қўрқиб кетди» деган маънодадир). «Ё номинг чиқсин, Ё жонинг чиқсин»; «Ё ловуллаб ён, Ё биратўла ўч»; «Ё чангинг чиқсин, Ё донғинг чиқсин» деб ҳам қўлланиладиган мазкур мақол билан: «Бир ишга киришдингми, унга маҳкам ёпиш, ғайрат, жасорат, фидойилик кўрсат ва у ишни охирига етказ, токи одамлар сенга қойил қолишсин, улар ўртасида номинг чиқсин, обрў-эътибор қозон», дейилмоқчи.

Ёв кетса ёвон очилар, ош пишса қозон очилар

Ёвон — дашт, дала. Бу мақол билан: «Ёвни қувсанг, ёвонинг — чорвангни боқиб, экинингни экиб, тирикчилик ўтказадиган дашт-даланг очилади, ҳаётинг яна ўз осойишталигига қайтади», деган маънода жангчи ўғлонларни рағбатлантирганлар, уларга далда берганлар.

ООО «YASHIL OLAM« Сергелийского района ИНН 203699293 ликвидируется, претензии принимаются в течении месяца со дня опубликования объявления по телефону 901525. Код ОКПО — 1726283.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти жамоаси институт касаба уюшмаси қўмитаси раиси Зоиржон Зокирович Умаровга онаси **Озода УМАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти «Урология ва нефрология» кафедрасининг мудири, профессор А.А.Гайбуллаевга отаси **Асад ГАЙБУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят ходими Саида Йўлдошевага отаси **Эргаш ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 17 июнь, сешанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 512

11352 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA